

Турсунпулатова Гулинур

Гуманитар фанлар факультети

Ўзбек тили ва адабиёти йуналиши 2-курс талабаси

Аннотация: Мақолада педагог нутқи, таълим жараёнида нутқ маданияти масалалари, ўзбек адабий тили меъёрлари, нутқнинг коммуникатив сифатлари, нутқда учраши мумкин бўлган хато ва камчиликлар ҳамда уларни тартибга солишга доир фикрлар билдирилган бўлиб, мазкур йўналишдаги муаммо ва масалалар изоҳланган ҳамда ўринли таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: педагогик соҳа, таълим, тил, фундаментал фанлар, тил ва нутқ, таълим тили, ўқитувчи нутқи, нутқнинг коммуникатив сифатлари.

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёни жамият тараққиётида янгича ёндашувлар, турлича фикр ва ғоялар кўринишида яққол намоён бўлмоқда. Бу ўз навбатида бошқа фанлар қаторида тилшуносликка ҳам таъсирини кўрсатмоқда. Шуни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилган қатор қарор ва фармонлари ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар миллий тилимиз бўлган давлат тилини ривожлантиришга қаратилган. Айниқса, президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Давлат тилини ривожлантириш департаментининг ташкил этилиши оламшумул воқеа бўлди десак муболаға бўлмайди. Она тилимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсида обрў-эътиборини янада ошириш, давлат тилининг амал қилиниши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, миллий тилимизни такомиллаштириш бўйича меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш ва бошқа ишлар юзасидан Давлат тилини ривожлантириш департаменти қисқа муддат ичида кенг қўламли вазифаларни амалга оширди.

Маълумки, ҳар қандай давлат мустақиллигининг белгиларидан бири унинг давлат тилига эга эканлигидадир. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва давлат тили ҳақидаги қонуннинг жорий этилиши мустақиллигимиз пойдеворига асос бўлди. Истиклол шарофати билан ўзбек тилининг мавқеи янада тикланди, унинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амал қилинишига катта имкониятлар яратилди. Хуллас, барча соҳаларда “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг ижроси ҳаётга изчил татбиқ этиб келинмоқда. Шунингдек, барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш фан сифатида ўқитиб келинмоқда. Олий ўқув юртларининг таълим йўналишлари ўқув режаларига мутахассисликларидан келиб чиққан ҳолда нутқ маданияти фанининг киритилиши ҳам жамият маданий тараққиёти, миллат маънавий камолотининг муҳим белгиси саналган тилга, нутқ

маданиятига бўлган муносабатдир. Педагогика олий ўқув юртларида “Ўқитувчининг нутқ маданияти”, юридик ўқув юртларида “Юристнинг нутқ маданияти”, молия соҳасида “Иқтисодчининг нутқ маданияти” каби фанларнинг ўқитилиши қонун ижросининг таъминланишининг бир мисолидир.³⁷ Педагогика олий ўқув юртларида “Ўқитувчи нутқ маданияти” фанининг ўқитилиши натижасида ҳар томонлама етук мутахассислар етишиб чиқишига имонимиз комил, чунки ёш авлодни тарбиялашдек ўта масъулиятли вазифани бўйнига олаётган талабанинг, эртанги ўқитувчининг ўз фанини чуқур ўрганишининг ўзи етарли эмас. Бу тўғрида бири тилшунос олим Н.Маҳмудов шундай ёзади; “...ўқитувчининг нутқи ўтмас, ночор бўлса, унинг билими қанчалик чуқур ва тугал бўлмасин, ўзига ҳам азоб, ўқувчи шўрликка ҳам азоб. Она тилида пухта, лўнда ва ширадор нутқ туза олиш малакаси ва маҳорати математика ўқитувчиси учун ҳам, она тили ўқитувчиси учун ҳам бирдай зарурий фазилатдир. Ўқитувчи гўзал, ўзни ҳам, сўзни ҳам қийнамайдиган равон ва ифодаларга бой нутқи билан ўқувчиларни маҳлиё этиб, бермоқчи бўлган билимини ёш авлод шуурига осонлик билан олиб киради. Зотан, она тили миллий маънавиятимизнинг, дунёни теран идрок этишимизнинг заминидир”³⁸ Ўқитувчи бу воситалардан энг мувофиғини танлай билиши керак. Бунинг учун у, албатта, ўз она тилини пухта билиши, унинг барча имкониятларидан усталик билан фойдалана олиши зарур. Нутқ аниқ ва равшан бўлиши билан бирга тоза бўлиши ҳам шарт, акс ҳолда фикрнинг кучи кетади, сўзловчининг нутқи тингловчига яхши таъсир қилмайди.

Она тилида гапира олиш - бу ҳали тилни яхши билади деган сўз эмас. Тилни яхши билиш тилнинг грамматик қонун-қоидаларини, луғат бойлигини ҳамда фонетик ва стилистик хусусиятларини пухта ўзлаштириб олиш билан белгиланади. Шундай экан ҳамма ўқитувчилар ҳам тилни яхши билади деб айта олмаймиз. Маълумки, ўқитувчи дарсга киришдан олдин фикрларини ёзма шаклда тайёрлайди: у нималар ҳақида тўхталмоқчи, қандай мисоллар келтирмоқчи, ана шуларни ёзиб олади. Айримлар, айниқса ёш ўқитувчилар мақсадларини оғзаки сўзлаб бермоқчи бўладилар-да, кўпчиликнинг салобати босиб, гангиб қолмаслик учун, ёзганларини бош кўтармай ўқиб берадилар. Белгиланган қисқа вақт ичида фикрни оғзаки тарзда аниқ, тушунарли қилиб сўзлаб бериш учун мунтазам равишда қунт билан ишлаш лозим. Нутқда жумлаларни қайта тўғрилаш, ўзгартириш бўлмаслиги керак. Бу жиҳатдан ўқувчи ёзувчидан фарқли равишда бир йўла икки вазифани бажаради: у **ҳам муаллиф, ҳам ижрочи**. Муаллиф сифатида, у дарс баёнини ўйлайди, фикрни шакллантиради; ижрочи сифатида, шу баённи, фикрни тингловчи-ўқувчиларга сўз орқали етказиб беради. Бу жараёнда ҳам сўз ёрдамида ҳар қандай ўқувчининг “ёқасидан ушлаб, эшитсанг ҳам эшитасан, эшитмасанг ҳам эшитасан”, деб ўзига тортадиган сўз бойлиги ва уларни ўрнида ишлата билиш маҳорати керак. Сўз бойлиги деганда, сўзларнинг фақат миқдори назарда тутилмайди, уларнинг маъноси ҳам

³⁷ Қаранг: Н.Жумаҳўжа. Қонун тили мезонлари. Тошкент – 2010 йил.

³⁸ Н.Маҳмудов. Маърифат мазиллари. – Т. 1999. 28-бет.

асосий ўринда бўлади. Сўзловчи маънодош (синоним) сўзлардан ҳам мохирлик билан фойдаланиши зарур. Бундай сўзларни ишлатиш нутқнинг таъсирчанлигини, ранг-баранглигини таъминлайди. Ўқитувчи тилнинг грамматикасини ҳам яхши ўзлаштириб олган бўлиши керак. Грамматика қодаларига роя қилишгина нутққа мазмун ва мантиқ киритади. Якка олинган сўзнинг ўзидан ҳеч нарса англашилмайди. Фикр англантиш учун у сўз нутқдаги бошқа сўзлар билан грамматик ва семантик алоқага кириши лозим. Баъзан ўқитувчилар нутқда адабий тилимизда ишлатилмайдиган, фақат сўзловчининг ўзи яшаган жой аҳолисигагина тушунарли бўлган диалектал сўзлар ишлатилади. Нутқда бундай диалектал сўзлар ишлатилиши ўқувчи диққатини бўлиши, дарс сифатини бузилишига олиб келиши тайин. Баъзи ўқитувчиларнинг нутқда “демак”, “хўш”, “иннайкейин”, “яъни”, “масалан”, “мисол учун”, “айтайлик” каби сўзлар кўп қўлланади. Ўринсиз равишда ишлатилган бундай “бекорчи” сўзлар нутқни сийқа қилиб қўяди. Баъзан ўқувчилар дарс мазмуни билан эмас, нутқдаги бир сўзнинг такрори ва шундай кераксиз сўзларни санаш, ҳисоблаш билан банд бўлиб қоладилар. Бундан ташқари ишлатавериш сийқаси чиқиб кетган, чайналган қолип тусини олиб қолган сўз ва иборалар ҳам нутқнинг таъсирини кетказди, уни ўтмас қилиб қўяди. Ўринсиз равишда ўйламай-нетмай, ҳаддан ташқари кўп ишлатиладиган, маъзи тўқ, ёқимли сўз ҳам кишининг ғашини келтиради, нутқнинг умумий мазмунига, моҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

Рус тили ёки у орқали бошқа тиллардан кириб келган сўзларнинг ўринсиз ишлатилиши ҳам нутқни хиралаштирди. Маданиятли эканлигини кўрсатиш учун, кўпол бўлса ҳам айтайлик, ёпишмаган ямоққа ўхшаб, рус тилидаги сўзларни кўшиб, бузиб, ўринсиз, нотўғри ишлатадиганларимиз ҳам афсуски учраб туради. Бундай сўзлар мияга ҳам, юракка ҳам озуқа бермайди, кишига қаттиқ таъсир қилиб, унинг эътирозига сабаб бўлади. Абдулла Қодирӣ: “Сўз сўзлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак”, деган эди. Таниқли адибнинг ижодларга қарата айтган бу сўзлари ўқитувчилар учун ҳам бевосита тааллуқлидир.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Оғрик тишлар”, “Нотик” , “Қуюшқон” ҳикояларида ҳам ана шундай нўноқ нотикнинг қиёфаси жуда яхши чизиб берилган.

Ўқитувчи барча тушуна оладиган, содда ва равшан тил билан гапириши, тингловчиларга нотаниш бўлган дабдабали, баландпарвоз гапларни, чет сўзларни, сийқаси чиққан сўзларни, ишлатмагани маъкул.

Ўқувчиларга ҳар қандай фанни тушунтириш, компютерларда ишлашни ўргатиш, она юртга муҳаббат ва уни эъзозлаш, унинг ҳимояси учун ҳамиша ҳозирлик ҳиссини фақат ва фақат сўз кучи билангина шакллантириш лозимлигини бугун даврнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент, 2017
2. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. Тошкент: “Алишер Навоий номидаги ”Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.
3. Маҳмудов Н. Маърифат мазиллари. – Тошкент, 1999. 28-бет.
4. Жумахўжа. Н. Қонун тили мезонлари. Тошкент, “Муҳаррир” нашриёти, 2010.
5. Расулов Р., Мўйдинов Қ. Нотиклик санъати ва нутқ маданияти. –Тошкент, 2015.- 200 б.